

## **Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда Марказий банк ҳамда тижорат банклари томонидан амалга оширилган ишлар тӯғрисида маълумот**

Бугунги кунда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, шу орқали жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришишда, биринчи галда, тӯғридан-тӯғри инвестицияларни жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади. Албатта, бундай долзарб вазифаларни амалга оширишда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари алоҳида ўрин тутади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, сўнгги йилларда ЭИЗ ва КСЗларда инвестицион лойиҳаларни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларига қўшимча қулайликлар яратиш, янги иқтисодий зоналарни ташкил қилиш мақсадида **40 га яқин** Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тӯғрисида”ги ҳамда 2017 йил 8 августдаги “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тӯғрисида”ги қарорларига мувофиқ тижорат банкларининг зиммаларига бир қатор долзарб вазифалар юклатилди.

Республикамизда **17 та** Эркин иқтисодий зоналар ва **125 та** кичик саноат зоналари, шунингдек, Тошкент вилоятининг Қўйичирчиқ туманида Балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш мақсадида “Балиқ ишлаб чиқарувчи” эркин иқтисодий зонаси ва Бўстонлиқ туманида “Чорвоқ” эркин туристик зоналари ташкил этилди.

**1.** Эркин иқтисодий зоналарда жами **390 та** инвестицион лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, шундан қиймати **884 млн. АҚШ доллари** миқдоридаги **252 та** лойиҳаларда банк кредитига талаб мавжуд. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига **111 та** инвестиция лойиҳаларига жами **515,6** млн. АҚШ доллари эквивалентида кредит маблағлари ажратилган.

**2.** Кичик саноат зоналарда қиймати **146,2** млн. АҚШ доллари миқдоридаги **425 та** лойиҳаларга банк кредитлари ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳисобот кунида жами **128 та** инвестицион лойиҳаларга **63,5** млн. АҚШ доллари эквивалентида кредит маблағлари ажратилган.